



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ ВА КАРАНТИНИ КАФЕДРАСИ

*“Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш воситалари”
фанидан*

РЕФЕРАТ

*МАВЗУ: Анжир парвонасининг биоэкологияси ва унга
қарши биологик кураш*

*Бажарди: Ўсимликлар ҳимояси ва карантини таълим
йўналиши 4-босқич 1-гуруҳ талабаси Юсупов Аброр*

Қабул қилди: _____ *М.Раззақов*

АНДИЖОН-2015

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

2010 — 2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб

юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир.

Республикамиз президенти И.А.Каримовнинг бошчилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги кейинги йилларда тобора янгиланиб, такомиллашиб, ишлаб-чиқариш катта суръатлар билан ривожланиб бормокда. Бу борада Юртбошимиз жорий йил 21 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида батафсил тўхталиб ўтди. Маърузада қишлоқ хўжалигида ўтган йили, шунингдек, сўнгги ўн йилликда эришилган ютуқлар ва натижалар алоҳида таҳлил қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, аграр соҳада мақтовга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари бу ютуқларни эътироф этган ҳолда жорий ва келгуси йилларда соҳада амалга оширилиши лозим бўлган устивор вазифалар хусусида ҳам аниқ таклиф ва йўналишлар берди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги аҳолини кундалик эҳтиёжини қондирадиган турли экинлар экиб, узоқ йиллар давомида шуғулланиладилар.

Шунинг учун ҳам Республикамиз президенти И.А.Каримов 1997 йил 26 декабрда бўлиб ўтган Олий мажлиснинг 10 сессиясида "Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи" мавзусидаги сўзлаган нутқида ўсимликлами серхосил, янги, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини яратишни талаб этади.

Айниқса Юртбошимизнинг «Саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб-чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда», дея таъкидлагани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида улкан вазифалар турганлигидан далолатдир.

Эндиликда аграр соҳанинг барча тармоқларида меҳнат қилаётган мутахассислар, олимлар, мутасадди раҳбарлар маърузада билдирилган таклиф ва тавсияларни ўзларига дастуриамал қилиб олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Келгусидаги вазифаларни белгилаб олмоқда. Албатта бу борада кенг кўламли махсус дастур яратилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган “мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда жорий йил 13 мартда имзоланган 2013-2015 йилларда мевачиilik ва узумчиликни янада ривожлантиришга оид қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқ ва ишлаб-чиқариш соҳаларида ишлар қизғин бормоқда. Бунинг замирида Юртбошимиз таъкидлаганидек, барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Шунга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик энтомологияси ва қишлоқ хўжалик фитопатологияси агрономик фанлар бўлиб, улар қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказадиган хашаротларни ва касалликларни ўрганади. Ўсимликларнинг шикастланиши ва касалланишига нисбатан бўлган муносабатини ва кураш усулларини ишлаб чиқади. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва фитопатологиясининг асосий вазифаси-ўсимликларга касалликлар ва хашоратлар томонидан етказиладиган зарарини камайтириш ёки олдини олиш.

Олинган маълумотларга кўра, йилига бутун дунёда ўстирилаётган ўсимликлар ҳосилининг 35 % и нобуд бўлади, унинг 14 % и касаллик ва зарарли хашоратлар улушига тўғри келади. Бундан ташқари 20 % ҳосилни ташиш ва омборларда пайтида нобуд бўлади.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом-ашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда мустақил давлатимизни қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб колмоқда.

Анжир парвонасининг биологик хусусиятлари

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.) Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида учрайдиган ва анжирга сезиларли даражада катта зарар етказадиган ашаддий зараркунандадир.

Ўзбекистондан ташқари уни барча қўшни давлатларда, ҳамда Россиянинг жанубий ҳудудларида, Қрим, Кавказ, Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудларида, Жанубий Европа, Ўртаер денгизи атрофидаги давлатлар, ҳамда Кичик Осиё давлатларида ҳам учратиш мумкин (Попов П.Ф. 1973).

Ўзбекистонда анжир парвонаси айниқса анжир етиштиришга мос Сурхондарё, Водий вилоятлари, Тошкент ва бошқа вилоятларда катта иқтисодий аҳамиятга эга (Акбутаев 1998, Ходжаев 2009).


Анжир парвонаси систематикада *Choreutidae* оиласига ўтказилган (илгари у *Glyphipteridae* оиласида бўлган). Капалагининг қанотлари ўзига хос шакл ва рангга эга. Қанот ёзганида унинг катталиги 15-17 мм га етади. Тепадан қараганда танаси тўқ-жигар ранг, паст томонидан-оқиш тусда

товланади. Олдинги жуфт қанотлари-қўнғир-жигар ранг бўлиб, аниқ эмас расмларга эга, орқа жуфт қанотлари эса иккита ноаниқ ёруғ томчиларга ва қорамтир-қўнғир тусга эга. Қанотларининг четларида оқиш тукчали хошиялари мавжуд. Мўйловлари узун, ипсимон, қўндаланг жойлашган қора чизиқлари мавжуд. Тухумлари овал-ясси шаклида, оқиш-сарик, 0,5 ммга тенг. Қуртлари сарғиш яшил тусда, усти дағал бўлиб, кўп қора доғлар билан қопланган, қорин қисмидаги оёқлари ингичка ва узун. Шунинг учун ҳам, қуртлари серҳаракат, безовталанганлари тезда ип ёйиб, пастга ўзини ташлайди. Катта ёшга етган қуртларининг узунлиги 12-13 мм ни ташкил қилади. Ғумбаклари қўнғир тусда, цилиндрик шаклга эга бўлиб, қорин қисмининг охирида 1 жуфт чупор доғи бор. Ғумбаклашиш олдидан қурти анчагина зич ромба шаклидаги оқ ипак тўқийди.

Анжир парвонаси капалак шаклида қишлайди. Бу зараркунанда ҳақида адабиётларда ҳам етарлича ахборот мавжуд (Рубан О.В.1930, Попов 1973).



1 расм. Анжир парвонасининг капалаги



2 расм. Тухум қўйиши

Фермер хўжалиги шароитида анжир парвонасининг мавсумий фенологиясини ўргандик. Бунда мавсумда 5 -6 марта авлод бериб ривожланди.

Капалаклари апрелда, ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 13 С⁰ дан ошганида уча бошлайди. Қўшимча озиклангач, капалаклари урчиб тухум қўйишга киришади. Бу одатда апрелнинг ўрталарига тўғри келади. Кейинчалик ҳаво ҳарорати қанча бўлишига қараб, ҳар 1 авлодининг ривожланиши учун 40-43 С⁰ дан (1- авлоди), 22-27 кун – 3-4- авлодлари ҳамда 5-6- авлодларда яна узаяди – 30-37 кун. Айрим олимлар анжир парвонаси мавсумда 3 авлод бериб ривожланади деганлар (Ахундова-Туаева Л.М. 1962, Акбутаев А.Н. 1998). Биз ўтказган тадқиқотларимиздан шу нарса аён бўлдики, фермер хўжалиги шароитида анжир парвонаси 5-6 авлод бериб ривожланди.

Олти авлод бериб ривожланган йили 5- авлод капалакларининг бир қисми қишки диапаузага кетди, қолгани ривожланишни давом эттириб, 6-авлодга асос солди.

Аниқланишича, ҳар 1 урғочи зот 9 кундан 20 кунгача яшар экан. Бу пайтда (қўшимча озикланиб турган капалаклар) ҳар 1 зот 105 та гача тухумни баргнинг ост томонига якка-якка ёки 10-14 тадан тўп қилиб қўйиши мумкин. Тухумнинг эмбрионал ривожланиши 4-6 кун давом этиб, қуртлар очиб чиқади, ҳар 100 тухумнинг 25-35 таси пуч (наслсиз) бўлиб қолади. Янги очиб чиққан қуртлар дастлаб ўзи яшаган тухумнинг қолдиғи (қобиғи) билан озикланади ва сўнгра баргнинг яшил юмшоқ тўқималарини кемириб озиклана бошлайди. Катта ёшдаги қуртлар ўзини ҳимоя қилиш учун ўзи тўқиган сийрак ва юмшоқ иплар билан барг четини қайириб беркиниб яшайди. Бу эса, турли кушандалар ҳамласидан ҳимоя қилсада, кимёвий инсектицидлардан ўзини ҳимоя қила олмайди. (Ходжаев. Ш.Т., Мирзаева С. 2010)

Парвонанинг қуртлари асосан анжир барглари кемириб, унинг томир «скелетини» қолдиради. Бу борада улар филлофаг парвоналарга ўхшайди, аммо айниқса кейинги авлодларида анжирнинг меваларини шикастлагани учун карпофаглар (мевахўрлар) гуруҳига ҳам ўхшаб кетади (Васильев В.П., Лившиц И.З. 1984).

Зарари

Маълумки, анжир дарахтсимон бутаси бир йилда 2 марта ҳосил беради. Анжир парвонасининг ҳосилдорликка зарари дарахтларни баҳорги ва кузги ҳосил тўплашида турлича бўлди. Бунга сабаб, баҳорда парвона асосан анжир баргини зарарласа, кузда эса кўпроқ мева билан озикланишидир.

Анжир парвонаси фақат анжирни шикастлайди. Баҳор фаслида асосан ёш барглари қиртишлаб еб уни ғалвирлаб ташлайди. Бунинг натижасида новда ва дарахт ривождан орқада қолади, баҳорги биринчи ҳосил камаяди.



3. расм. Анжир парвонаси зарарлаган поя ва барглари

Зараркунанда 3-4- авлодларини анжир дарахтсимон бутасининг «иккинчи» ҳосил тўплаш даврида ўтказди. Бу эса янада кўпроқ зарар етказишни билдиради, чунки бу даврда баргдан кўра ҳосил туганаклари кўпроқ хуш кўрилиб, у айти шулар билан озиқланади. Бу даврда анжир ҳосилдорлигига етказган зарар ҳашаротнинг дарахтдаги зичлигига боғлиқ бўлади.



4. расм. Анжир парвонаси шикастлаган анжир мевалари

Анжир парвонасининг ривожланиш динамикаси ва тарқалиши

Анжир парвонаси капалак шаклида қишлайди. Бу зараркунанда ҳақида адабиётларда ҳам етарлича ахборот мавжуд (Рубан О.В.1930, Попов 1973). Фермер хўжалиги шароитида анжир парвонасининг мавсумий фенологияси-ни ўргандик. Бунда мавсумда 5 -6 марта авлод бериб ривожланди. (жадвал 4.2.1)

Капалаклари апрелда, ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 13 °С дан ошганида уча бошлади. Қўшимча озиқлангач, капалаклари урчиб тухум қўйишга киришди. Бу апрелнинг ўрталарига тўғри келди. Кейинчалик ҳаво ҳарорати қанча бўлишига қараб, ҳар 1 авлодининг ривожланиши учун 40-43 °С дан (1- авлоди), 22-27 кун – 3-4- авлодлари ҳамда 5-6- авлодларда яна узаяди – 30-37 кун. Айрим олимлар анжир парвонаси мавсумда 3 авлод бериб ривожланади деганлар (Ахундова-Туаева Л.М. 1962, Акбутаев А.Н. 1998). Биз ўтказган тадқиқотларимиздан шу нарса аён бўлдики, фермер хўжалиги шароитида анжир парвонаси 5-6 авлод бериб ривожланди.

Олти авлод бериб ривожланган йили 5- авлод капалакларининг бир қисми қишки диапаузага кетди, қолгани ривожланишни давом эттириб, 6-авлодга асос солди.

Аниқланишича, ҳар 1 урғочи зот 9 кундан 20 кунгача яшар экан. Бу пайтда (қўшимча озиқланиб турган капалаклар) ҳар 1 зот 105 та гача тухумни баргнинг ост томонига якка-якка ёки 10-14 тадан тўп қилиб қўйиши мумкин. Тухумнинг эмбрионал ривожланиши 4-6 кун давом этиб, қуртлар очиб чиқади, ҳар 100 тухумнинг 25-35 таси пуч (наслсиз) бўлиб қолади. Янги очиб чиққан қуртлар дастлаб ўзи яшаган тухумнинг қолдиғи (қобиғи) билан озиқланади ва сўнгра баргнинг яшил юмшоқ тўқималарини кемириб озиқ-лана бошлайди. Катта ёшдаги қуртлар ўзини ҳимоя қилиш учун ўзи тўқиган сийрак ва юмшоқ иплар билан барг четини қайириб беркиниб яшайди. Бу эса, турли кушандалар ҳамласидан ҳимоя қилсада, кимёвий инсектицидлардан ўзини ҳимоя қила олмайди. (Ходжаев. Ш.Т., Мирзаева С. 2010)

АНЖИР ПАРВОНАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ФЕНОГРАММАСИ.

Кўрсаткичлар		Апрел			Май			Июн			Июл			Август			Сентябр			Октябр			Ноябр		
			II	III		II	III		II	III		II	III		II	III		II	III		II	III		II	III
Капалакларни қишладан чиқиши			⊕	⊕	⊕																				
I авлоди	Тухум		•	•	•																				
	қурт			—	—	—																			
	ғумбак				~	~~																			
	капалак					+	+	+																	
II авлоди	Тухум						•	•	•																
	қурт						—	—	—																
	ғумбак							~	~	~															
	капалак							+	+																
III авлоди	Тухум							•	•	•															
	қурт								—	(—)															
	Ғумбак							~	~~	~															
	капалак								+	+	+														
IV авлоди	Тухум											•	•												
	Қурт										—	—	—												
	Ғумбак											~	~	~											
	капалак												+	+	+										
V авлоди	Тухум												•	•	•										
	Қурт												—	—	—										
	Ғумбак													~	~	~									
	капалак														+	+	+								
VI	Тухум															•	•	•							
	Қурт															—	—	—							
	Ғумбак															~	~	~							
	капалак																⊕	⊕							

Белгилар: • - тухуми; - -қурти; ~- ғумбаги; + - капалаги; () - қийғос кўпайиши; ⊕- капалак шаклида қишлайди